



ANALYSIS OF THE SYSTEM OF EXERCISES RECOMMENDED IN CHINESE LANGUAGE EDUCATION

Shasaidova Lola Shamaksudovna

Associate Professor, PhD, Uzbekistan State University of World
Languages

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21151977>

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026

Accepted: 08th June 2026

Online: 09th June 2026

KEYWORDS

*Sinological
lingvodidactics,
communicative approach,
exercises and
assignments, exercise
system, competence.*

ABSTRACT

This article discusses the recommended system of exercises in sinological lingvodidactics. The literature on this topic determines that the teaching of the Chinese language is based on various didactic and methodological principles and approaches to defining goals and objectives of the exercises. This fact that the problem of creating a language teaching system is very important both in practice and theory in the practical methodology of teaching the Chinese language. The more effective some of the exercises used in teaching Chinese are, the more likely it is that language teaching will be completely successful. Success in language teaching can be ensured by an effective system of exercises.

АНАЛИЗ СИСТЕМЫ УПРАЖНЕНИЙ, РЕКОМЕНДУЕМОЙ В ПРЕПОДАВАНИИ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА

Шасайдова Лола Шамаксудовна

Доцент Узбекского государственного университета мировых языков, (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21151977>

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026

Accepted: 08th June 2026

Online: 09th June 2026

KEYWORDS

*Обучение китайскому
языку,
коммуникативный
подход, упражнения и
задания, система
упражнений,
компетентность.*

ABSTRACT

В статье рассматривается система упражнений, рекомендуемая в обучении китайскому языку. В научной литературе отмечается, что обучение китайскому языку опирается на различные дидактические и методические принципы, а также на подходы к определению целей и задач упражнений. Учитывая высокую значимость проблемы создания системы условий обучения языку как в теоретическом, так и в практическом аспектах, выделяется существующая система упражнений, ориентированная на конкретные цели практической методики преподавания китайского языка. Чем более эффективными являются те или иные типы и виды упражнений, используемых в обучении китайскому языку, тем выше вероятность успешного овладения языком. Достижение успеха в обучении может быть



обеспечено исключительно эффективной системой
упражнений.

ХИТОЙ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАШҚЛАР ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ

Шасаидова Лола Шамаксудовна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21151977>

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026

Accepted: 08th June 2026

Online: 09th June 2026

KEYWORDS

Хитой тили таълими,
коммуникатив
ёндашув, машқ ва
топириқлар, машқлар
тизими, лаёқат.

ABSTRACT

Мазкур мақолада хитой тили таълимида тавсия этилаётган машқлар тизими кўриб чиқилган. Мавзуга доир адабиётларда хитой тилини ўқитишда машқларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлашда турли дидактик ҳамда методик тамойиллар, ёндашувларга асосланганлиги мавжуд. Тил ўқитиш шарт-шароитларининг тизимини яратиш муаммоси амалий ва назарий жиҳатдан жуда муҳимлигини инобатга олган ҳолда, хитой тилини ўқитишда амалий методиканинг бугунги кундаги маълум мақсадларга йўналтирилган машқлар тизими ёритилган. Хитой тилини ўқитишда қўлланиладиган машқларнинг айрим тип ва турлари қанчалик самарали бўлса, улар тил ўргатишнинг бутунлай муваффақиятли бўлишлигини белгилайди. Тил ўргатишдаги муваффақият фақат машқларнинг самарали тизимини таъминлаши мумкин.

Чет тили ўқитиш методикасининг асосий ютуғини таъминлайдиган омил кунт билан ишлаб чиқилган ва самара берадиган машқлар бўлиб, бу машқлар ўзида дидактик тизимни намоён қилади. Айнан машқларгина исталган чет тилини ўрганиш жараёнида ўқитишнинг ягона бирлиги вазифасини бажариб, мазкур жараённи боришини таъминлаш ва берилган билимларни ўзлаштиришга қаратилади. Замонавий синологик

лингводидактикада машқлар тизимини ишлаб чиқишда коммуникатив нутқий фаолият диққат марказда турибди. Коммуникатив ёндашув ўқитиш жараёнида анъанавий ёндашув асосидаги фаолиятнинг методик жиҳатдан қайта англаниши натижасида юзага келади ва хитой тилини ўқитишда унинг қўлланиши натижалар сифатида намоён бўлади.

Синологик лингводидактика бўйича бир қатор илмий изланишлар



муаллифи И. В.Кочергиннинг таъбирича, чет тилига ўқитиш ана шу тилдаги фаолиятга ўргатиш демакдир. Шунинг учун ўқитиш жараёни барча нутқ фаолияти турлари: гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзишни қамраб олиши керак [3]. Н.А. Деминанинг фикрича, «бу машқлар тизими хитой тилини амалий жиҳатдан ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, бу тизим чет тилини тушуниш ва бу тилда ўз фикрини ифодалаш учун зарур бўлган тил материални ўрганишга йўналтирилган бўлиши зарур» [2]. Н.А.Демина машқлар тизимига асос сифатида Б.А. Лapidус томонидан таклиф қилинган классификацияни олади, унинг фикрича, бу машқлар икки кўринишдаги машқлар тизимидан иборат бўлиши зарур:

I кўриниш тил материални мақсадли равишда фаоллаштиришга йўналтирилган машқлар. Бу машқларни ўз навбатида фаоллаштириш даражасига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин: шуғулланиш учун мўлжалланган оддий машқлар; элементар машқлар; аралаш машқлар.

II кўриниш машқлари улар бошқариш мумкин бўлмаган фикрни ифодалаш жараёнида қийин вазифаларни бажариш учун йўналтириб бўлмайдиган машқлар (баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари, матбуот конференциялари ва ҳоказо...) ва фикрлаш, тасаввур қилиш учун катта ҳажмдаги топшириқлар.

Н.А. Деминанинг таъкидлашича, ўқитишнинг дастлабки босқичида янги билимларни шакллантириш учун ўқитувчи янги лексик ва

грамматик материални киритади, ундан сўнг янги материални ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш учун иш олиб боради, тушунтириш жараёни эса бевосита ёдда қолишни таъминлашга қаратилган машқлар билан давом эттирилиши зарур. Бундай машқларнинг мақсади — талаба янги материални қай даражада ўзлаштирганини текширишдан иборат.

Грамматик ва лексик материални тушунтириш орқали билимлар ўзлаштирилганда ва мустақил ишлар ёрдамида талабаларнинг билимлари мустаҳкамлангандан сўнг аралаш машқлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу машқлар тилга оид маълум бир материални ўзлаштиришни назарда тутаяди (дастлабки билимлар лексик ва грамматик материални тушунтириш давомида берилиб, мустақил ишларни бажариш жараёнида мустаҳкамланади) ва ўрганилаётган тилда мустақил равишда ўз фикрини ифодалаш бўйича талабаларнинг қобилиятларини кўрсатади.

Машқларнинг аралаш ҳолда бўлиши эса фикрлашни талаб қиладиган мураккаб топшириқларни бажаришда, тил материални бошқариб бўлмайдиган, йўналтириб бўлмайдиган вазиятларда ёрдам беради. Н.А. Демина ўз тадқиқотида нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушунишга катта эътибор беради. У тинглаб тушуниш бўйича талабаларнинг кўникмаларини ривожлантиришда қуйидаги машқлардан фойдаланишни таклиф



этади: диктор томонидан ўқилган сўз бирикмалари ва гапларни такрорлаш; диктор томонидан берилган саволларга жавоб бериш; фонограммани эшитиш ва унинг мазмунини сўзлаб бериш ёки унинг умумий мазмунини айтиб бериш; эшитилган хабардаги асосий фикрларни топиш; хабарни эшитиш ва саволларга жавоб бериш; шарҳлаш; эшитилган хабар учун сарлавҳани ўйлаб топиш; эшиттирилган фикрни тасдиқлаш ёки инкор этиш; тингланган ҳикоянинг режасини тузиш (воқеа-ҳодисалар ва бошқа нарсаларнинг); нотаниш сўзларнинг бор бўлишига қарамасдан асосий фикрни англаш; эшитилган фикрларга баҳо бериш ва ҳоказо... [5].

О.А.Масловец хитой тилини ўқитиш методикасида Е.И.Пассов классификация қилган машқлар тизимига алоҳида эътибор беришни таклиф қилади. Машқлар тизимини аниқлашда якуний натижага кўра ўқувчиларда нутққа доир асосий билимларнинг эгалланиши билан аниқланади. Бу мезонга кўра барча машқлар қуйидагиларга бўлинади:

1.Кўникмаларни шакллантириш машқлари (нутқни шакллантирувчи машқлар). Бажарилиш усулига кўра улар ҳам ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: а) имитатив машқлар: имитатив нутқий машқлар деб шундай машқларга айтиладики, яъни уларни бажариш жараёнида ўқувчи маълум бир фикрни ифодалаш учун ўқитувчи томонидан айтилган жумлалар ёрдамида (нутқий бирлик намуналари) ва уларни ўзгартирмаган ҳолатда ўз фикрини ифодалаш учун шакллар топади,

масалан: «Агар шундай бўлса, тасдиқланг»; б) дастлабки машқлар: бундай шартли нутқ машқлари шундай тавсифланадики, лексик бирликлар грамматик шакллар тизимига киритила бошлайди, масалан: «Агар шундай бўлмаса, инкор этинг»; в) трансформацион машқлар: трансформацион шартли нутқий машқлар ўқитувчи ёки суҳбатдош томонидан айтилган жумланинг маълум бир жиҳатдан ўзгартирилиб етказилишини назарда тутади, бунда сўзлар тартиби, шахс ва феъл замонлари ўзгартирилиб узатилиши мумкин, масалан: «Агар сиз рози бўлсангиз, тасдиқлаб беринг, агар бошқача бўлса, ўз фикрингизни билдиринг; г) репродуктив машқлар: репродуктив шартли нутқий машқлар ўқувчилар томонидан мустақил равишда жумлалар айта олишни намоёиш қилишларидан иборат бўлиб, бу машқлар бундан олдин бажарилган машқлар натижасида юзага келади, масалан: «Топингчи!».

2. Олинган билимларни янада ривожлантирувчи машқлар (нутқий машқлар). Улар орасида қуйидагилар ажралиб туради: а) эшитилган, ўқилган машқларнинг берилиши ёки узатилиши; б) келтирилган далилларга, воқеа, ҳодисаларга нисбатан фикрларнинг билдирилиши, уларга баҳо бериш [5].

Хитой тилини ўқитиш методикасига оид бир қатор илмий ишлар муаллифлари Т.Л. Гурулева ва Цюй Кунь олий мактабда хитой тилини ўқитиш методикасига доир машқлар тизимини ишлаб чиқишда С.Ф. Шатиловнинг классификациясига таянади, чунки бу



муаллифда машқлар қуйидаги кўринишларда бўлади: 1) тайёрлов машқлари ёки шуғуллантирувчи машқлар; бу аспекти (грамматик, лексик, фонетик), нутққа боғлиқ бўлмаган машқлар, улар нутқий фаолиятдан ташқари нутқда қўллаш учун тегишли тил материални ўзлаштиришга мўлжалланган машқлар; 2) ижодий нутқ машқлари.

Т.Л. Гурулева юқорида таклиф этилган классификациядан келиб чиқиб, коммуникатив лаёқатни шакллантиришга мўлжалланган машқлар тизимини ишлаб чиқади. Муаллиф лаёқатни мутахассиснинг қобилияти ва касбга доир маълум бир вазифаларни бажаришда тайёр эканлиги, билими, кўникмаси сифатида кўриб чиқади. Бу нуқтаи назардан у И.А.Зимняянинг коммуникатив лаёқат ҳақидаги таърифидан келиб чиқиб иш тутади, ўрганилаётган тил воситалари ёрдамида нутқий фаолиятни амалга ошириш қобилиятини шакллантириш, фонологик, лексик-грамматик, социолингвистик, фанларга доир ва мамлакатшуносликка доир билимлар асосида, турли хил вазифаларни бажариш, турли вазиятларда у ёки бу мулоқот доирасида иш кўра олишни назарда тутаяди.

Т.Л.Гурулева томонидан таклиф қилинган машқлар тизими коммуникатив лаёқатни шакллантиришга мўлжалланади, ўз ичига шуғуллантирувчи машқларни (энг оддий билимлардан малакани эгаллаш даражасигача кўтарилиш), ижодий машқлар эса энг оддий малакадан коммуникатив лаёқат

талаб қилувчи мураккаб малакаларни эгаллашни назарда тутаяди ҳамда коммуникатив лаёқатни шакллантиришга йўналтирилган қуйидаги жиҳатлардан иборат бўлади:

- тил лаёқатини шакллантирувчи машқлар (тил бирликларидан коммуникатив мақсадларда фойдалана олиш қобилияти, бу эса тилга доир фонетик, лексик-грамматик қоидаларни ўзлаштириш ва улардан фойдалана олиш асосида амалга оширилади;

- нутқий лаёқатни шакллантирувчи машқлар (тил ҳақидаги билимларни амалий жиҳатдан қўллаш олиш қобилияти, нутқнинг асосий кўринишларидан бўлган гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзишда мулоқотга кириша олиш малакаларидан фойдалана олиш, шунингдек, нутқий фаолиятнинг алоҳида бир кўриниши бўлган таржима қилиш фаолиятида фойдалана олиш;

- дискурсив лаёқатни шакллантиришга мўлжалланган машқлар (берилган вазиятда кўрсатилган топшириқларга кўра ўз фикрини ифода қилиш қобилияти);

- ижтимоий-маданий лаёқатни шакллантирувчи машқлар (ижтимоий- маданий соҳага оид билимлардан маданиятлараро мулоқот доирасида фойдалана олиш қобилиятини шакллантириш); - компенсатор лаёқатини шакллантирувчи машқлар (тил воситаларидан фойдалана олишда етишмовчилик бўлган ҳолатларда вазиятдан чиқиб кета олиш ва бошқа



тилда хабарни узата олиш қобиляти);

- ўқув материални англаш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган машқлар (янги билимларни эгаллай олиш лаёқати ва махсус ўқув, ташкилий билимлар, малака ва кўникмаларни эгаллай олиш лаёқати, чет тилини ўрганиш жараёнида ўз билимини янада мустаҳкамлаш ва мукамаллаштириш устида ишлаш ҳамда бу билимлар ёрдамида ўз қизиқишларини қондириш).

Т.Л. Гурулёва ва Цюй Кунь таклиф қилаётган машқлар тизими фаол кўринишда ёки интерфаол кўринишларда амалга оширилиши мумкин, чунки бу кўринишда ишлаб чиқилган машқлар ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро алоқани инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган [1. 5-6].

С.А.Назарова хитой тилини ўқитишда талабаларнинг лексик компетенциясини такомиллаштиришга қаратилган машқлар тизимини ишлаб чиқишда, асосан, олим М.Джусуповнинг машқлар тизими ҳамда Е.Н.Соловова ва С.Ф.Шатиловларнинг лексик билимларни шакллантиришга қаратилган методик асосларига ҳам таяниб, асосий мезон ва илмий асос сифатида нутқий йўналганлик мезонини олган. Муаллиф тавсия этаётган машқлар тизими нутқий кўникма ва қобилят рўйхатига мувофиқлаштирилиб, талабалар нутқий фаолиятини босқичма-босқич ўсиши ва коммуникативлик принципларига асосланиб қуйидагича таснифланган:

Тил тизими ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган биринчи кичик тизим (мураккаб сўзларни икки устунга ажратинг; биринчи устунга аффикслар ёрдамида ясалган, иккинчисига эса ўзак морфемалар бирикувидан ҳосил бўлган сўзларни жойланг; бир бўғинли сўзларни шундай бириктирингки, улардан қўш бўғинли сўзлар ҳосил бўлсин; ҳисоб сўзларни ном ҳисоб сўзлар ва ҳаракат ҳисоб сўзларига ажратинг ва шу каби. Тил материални таҳлил қилиш билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган иккинчи кичик тизим.

Тайёрлов машқлари лексик бирликларни умумлаштириш ва фарқлаш, жамловчи, ўрин алмаштириш ва ўрнига қўйиш машқларини ўз ичига олади. Гап ва жумла(фраза)дан катта бирликлар сатҳини такомиллаштиришга мўлжалланган учинчи кичик тизим ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиясининг технологик босқичлари унсурларини ўзида акс эттирган шахснинг фикрлаш, хотира ва тасаввур каби онг жараёнларини тараққий эттирувчи лексик машқ ва топшириқларни ўз ичига олган. Бунга матн олди, матнли ва матндан кейинги машқлар киради [5].

Кўриниб турибдики, синологик лингводидактикада турли тадқиқотчилар турли ёндашув ва тамойиллардан келиб чиқиб, машқлар тизимини таклиф қиладилар. Шунинг таъкидлаб ўтиш зарурки машқлар тизимини ишлаб



чиқишда она тил ва ўрганилаётган
тилнинг табиатига хос
хусусиятларни, тил ва нутқдаги кўп
учрайдиган типик хатоларни
инобатга олиш, тилни ўрганишга

бўлган мотивацияни оширишга
хизмат қилувчи аутентик
маълумотлар билан бойитиш
машқлар самарасини янада оширади.

References:

1. Гурулева Т.Л. Практический курс речевого общения на китайском языке: учебник. – М.: Издательство ВКН, 2016. – 448с.
2. Дёмина Н.А. Методика преподавания китайского языка М; Восточная литература, РАН, 2006.
3. Кочергин И.В. Сборник тренировочных упражнений, контрольных заданий и тестов по базовому курсу китайского языка. – М.: Восточная книга, 2013.
4. Масловец О.А. Методика обучения китайскому языку в средней школе. – М.: Восточная книга, 2012. – С.184. 5. Назарова С.А. Хитой тилига ўқитишда талабаларнинг чет тили лексик компетенциясини такомиллаштириш. Автореф... канд. пед. наук.- Т.: 2018. – 55 б.